

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЕР ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон халқининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлиги асоси, энг муҳим табиий ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Иқтисодий соҳадаги кенг қўлмали ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Хусусан, ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга ошириш вазифаларининг ягона органда тўпланганлиги, ер участкалари, бино ва иншоотларга (кейинги ўринларда — кўчмас мулк) кадастр йиғмажилди рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи томонидан тайёрланиши соҳада манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмоқда.

Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг меъёрий қўйматиани аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ўтказилин.**
- Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида**

аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш **Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги** доирасида амалга оширилиши белгилансин.

- Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси негизида **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги** (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) ташкил этилсин.
- Қўйидагилар **Кадастр агентлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:
 - а) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:** кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш; кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
 - б) геодезия ва картография соҳасида:** геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш; аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотлари, ерларни масофадан зондлаш, геодинamik тадқиқотлари маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингнинг амалга ошириш;

давлат картография-геодезия кадастрини юритиш;

давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

в) давлат кадастрларини юритиш соҳасида:

давлат кадастрларини юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, ҳудудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш;

давлат кадастрларини юритиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини амалга ошириш;

г) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлики кенгайтириш;

д) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

- Қўйидагилар:
 - кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг, шу жумладан, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқининг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши **фақат давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга кириши;**
 - кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликда айбдор шахсларга **маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги;**
 - кўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш

мақсадида унинг **кадастр йиғмажилди тайёрланиши** маълумот учун қабул қилинсин.

- Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

захирада турган ва янги ажратилаётган ер участкаларига кадастр йиғмажилди қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ ҳўжалиги бўлимининг, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларда — туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг мурожаатига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимлигининг буюртмасига асосан тайёрланади, ушбу харажатлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкасига эга бўлган шахс томонидан қoplanади;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар мазкур Фармон кучга киргунга қадар вужудга келган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, уларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш **ҳуқуқ эгаларининг буюртмаларига асосан уларнинг маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади;

давлат органлари ва ташкилотлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, ўрмон ҳўжаликлари, сув ҳўжалиги ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ижтимоий муассасаларга берилган ер участкаларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш **баландса сакловчиларнинг буюртмаларига асосан ва уларнинг маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади;

кадастр йиғмажилди Кадастр агентлиги томонидан шаходатланган кадастр муҳандислари ҳамда Кадастр агентлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан **шартнома асосида тайёрланади;**

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси олдида

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ҲУКУМАТГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси шу йўлнинг 11 сентябрь кўни бўлиб ўтади. Унда қатор долзарб масалалар муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ана шулардан биридир.

Ҳўш, ушбу сўров юборилишига нима сабаб бўлди?

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси томонидан 2020 йил 13 — 18 июль кўнлари Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда юзага келган муаммолар ҳамда бу соҳадаги қўнун ҳужжатларига риоя этиш масалалари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мисолида ўрганилди.

Бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги



ТЕХНОГЕН ҲОЛАТ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Сардоба сув омбори талафотларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланган сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Сайёр мажлис

Сенат Раиси Танзила Нурбоева бошқарган йўғилишда Сенат аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси мутасаддилари, Сирдарё вилояти ҳокимлиги масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, парламент юқори палатасига Сардоба сув омборидан сув

тошиши оқибатида талафот кўрган фуқаролардан қўллаб-қувватлаш келиб тушган. Улар сенаторлар томонидан жойига чиқиб ўрганилди. Бунда нафақат аҳоли мурожаатлари билан ишланди, балки уларнинг тақлиф ва мулоҳазалари ҳам тинланди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИ АКС ЭТМОҚДА

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашга оид бир қатор қўнун лойиҳалари тексгин кўриб чиқилди.



Чўнончи, **ЎзЛиДеП фракцияси** йиғилишида қўн тартибидаги муҳим масала — “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 291-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қўнун лойиҳаси муҳокамаси қизгин кечди.

Мазкур қўнун лойиҳасида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳодимлари томонидан транспорт воситасини ушлаб туришни бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, қўнун лойиҳаси қабул қилиниши билан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда автотransпорт воситаларини ушлаб туриш тартиби бекор қилинади.



Бу билан фуқаролар мулк ҳуқуқларининг кафолатлари кўчатирилади.

“Адолат” СДП фракцияси вакиллари тадбиркорликнинг бир тури бўлган олтин қидирувчилар усули билан олтин қазиб олишни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ер қазри участкаларини самарали ўзлаштириш ҳамда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ҳуқуқий кафолатини яратишга қаратилган “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги қўнун лойиҳасини муҳокама қилди.

Баҳс ва мунозаралар жараёнида фракция аъзоси Дилшод Ҳамзаев томонидан қўнуннинг қабул қилиниши билан амалда 2 та лицензиялаш тартиби ҳамда 2 та рухсатнома бериш тартиби бекор қилиниши ижобий ҳолат эканлиги таъкидланди. Жумладан, эндиликда қимматбаҳо ва нодир металлларни, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш учун ҳамда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ёки бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаолият турлари учун лицензия олиш бекор қилинди.

Шунингдек, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар билан ишлашда ва заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металллар ҳамда тошлардан ясалган бошқа буюмлар сотиш учун рухсатнома олиш тартиби ҳам бекор қилинди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг чегараларини ўзгариштир тўғрисидаги масалани атрофлича кўриб чиқди.

Конституциямизнинг 78-моддасига ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тўзилиши тўғрисида”ги Қўнуннинг 18 ҳамда 22-моддаларига мувофиқ, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси қарори эълон қилинди.



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — МИЛЛИЙ ҒОЯ СИФАТИДА

Жонажон диёримиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев тантанали табрик нутқида тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ниҳоятда жозибали мазкур стратегик ғоя ўзининг улғуворлиги, миллий юксалиш барча жабҳаларда қандай умумий мақсадни кўзламоғи зарурлигини кўрсатади. Амалда давлат раҳбари

тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий ғоясининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалади.

Учинчи Ренессанс ғоясини, аввало, жамиятимиз чўқур англаб олмоғи керак. Хар жабҳада, соҳада қиладиган ишларимиз, режаю истиқбол дастурларимиз, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, инвестицион сиёсат — барчаси унга шароит ва муҳит яратишга қаратилмоғи лозим.

Акс садо

Ренессанс нима? Нега Учинчи Ренессанс дейилмоқда?

“Ренессанс” луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмунини ана кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли

турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўтирилган.

Австриялик атоқли шарқшунос Адам Мецнинг 1909 йилда “Мусулмон Ренессанси” номли фундаментал



асари чоп этилган. Шундан буюн Ренессанс фақат Европада оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Россиялик буюк шарқшунос академик Н. Н. Конрад Ренессанс VII — VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX-XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган

юксалиш Амир Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркураб ўсганини таъкидлайди. У ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасига ҳам қўзади. Жаҳоҳарлар Неру Бобурни ҳам Ренессансининг типик вакили, деб баҳолаган эди.

XV асрдан Ренессанс Европада силжиди. Бу пайтга келиб Европа 300—350 йил давомида ислом олимлари, жумладан, бизнинг буюк аждодла-



ДУНЁНИГОҲИ



ЕХҲТ ДОИМИЙ КЕНГАШИГА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ФОРУМИ ҲАҚИДАГИ МАЪРУЗА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистоннинг Австриядаги элчиси Абат Файзуллаев ЕХҲТ Доимий кенгашига жорий йўлнинг 13-14 август кўнлари ўтказилган “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзўидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд онлайн форуми якунилари бўйича маърузасини тақдим этди.

ЕХҲТ Доимий кенгаши йиғилишида 57 мамлакат дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда ташкилотнинг 11 та ҳамкор давлати, шунингдек, ЕХҲТ Котибияти вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон элчиси ўз маърузасида Самарқанд форумида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва ҳудудий ташкилотлар, миллий институтлар, хорижий мамлакатлар давлат ташкилотлари, халқаро ҳамда маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ёшлар идораларининг минг нафардан зиёд вакиллари иштирок этганини таъкидлади.

ЕХҲТ Бош котиби вазифасини бажарувчи Туула Юрьёла, Парламент Ассамблеяси президенти Георгий Церетели ҳамда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директорининг биринчи ўринбосари Катаржина Гардагхадзе қатнашган тадбирда иштирокчилар ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рабатлантиришнинг мавжуд халқаро ҳужжатлари ҳамда механизмларини, барқарор ривожланиш ва инқирознинг олдини олишда ёшлар ролини муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, форумнинг муҳим нукталаридан

бири Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси лойиҳасини муҳокама қилишдан иборат бўлди. Ушбу ташаббус давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ва дунёнинг кўплаб давлатлари уни қўллаб-қувватлаганди.

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши дунёдаги икки миллиарддан ортиқ ўғил-қизлар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши, таълим олиш, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз имкониятларини намоян этишлари учун шароит яратиш мақсадида кўп томонлама ҳамкорликини кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” Самарқанд онлайн форуми якуни бўйича қабул қилинган резолюция матни ЕХҲТ Доимий кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

“Дунё” АА. Вено

Муносабат

СУД ФАОЛИЯТИ РАҚАМЛАШТИРИЛИБ, ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Судларда электрон, яъни қозғосиз ҳужжат айланишини йўлга қўйиш фуқароларнинг судларга мурожаат этиш бўйича ҳуқуқларидан фойдаланишда ва судларга ушбу мурожаатлар билан ишлашда қўлайликлар тўғдиради. Қолаверса, бу судлар фаолиятининг очикиғи ҳамда шаффофлигини таъминлаш, маълумотларни тўплаш ва сақлашга ёрдам беради.

Президентимизнинг шу йил 3 сентябрда қабул қилинган “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар изчиллигини таъминлашда қўл келади. Ушбу ҳужжат билан судларнинг олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Хусусан, судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумот-

ларнинг тезкор олинишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви кенгайтирилиши судларда ишларнинг қисқа муддатларда қўрилишини таъминлаш билан бирга, келиб тушган маълумотлар ишончилигига ҳам хизмат қилади.



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – МИЛЛИЙ ҒОЯ СИФАТИДА

Афсуски, XVI асрнинг 30 – 40 йилларида бизда анъанавий жамият узил-кесил қарор топди. Илмий, бадийи изланишларга ижтимоий эҳтиёж пасайиб кетди. Ўтмиш ютуқлари олдига қуллқ қилиш, уларни идеаллаштириш ва фақат тақорролашга уриниш, янгиликларга салбий муносабат шаклланди. Аста-секин чўқур турғунлик ва инкироз бошланди. Улар ноҳуш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний-мафқуравий, регионал низолар ва айирмачилик каби сабаблар билан қўшилиб қолоқ бўлиб қолишимизга, XIX аср иккинчи ярмида миллий мустақиллигимизни йўқотишга олиб келди. Ўтмишдан биринчи бўлиб теран тарихий ҳулоса чиқарган — жадид боболаримиз эди. Улар тақлиф қилган ислохотлар миллиятни қайта ўйғотиш, тараққиёт томон буришни кўзлади. Аммо мустабид ҳоқимият жадидлар ҳаракатини авж олмасдан бўғиб қўйди.

Муствақилликка эришгандан кейин дастлаб чорак аср давомида миллий тикланиш билан шуғулланишга тўғри келди. Эндиликда миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтганимиздан кейин, учинчи Ренессансга эришишни давлат раҳбари стратегик вазифа этиб қўйди. Ҳақиқатан тарихан олганда биз икки Ренессансни бошдан кечирдик: биринчиси IX — XII асрлар, иккинчиси XIV аср охириги чораги — XVI аср биринчи чораги. Биринчи Ренессансда юртимиздан Фароний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғари, Махмуд Замаширий каби буюк далоҳлар, буюк муҳаддислар — Бухорий, Термизий, мутақаллимлар — Мотуридий ва Абул Муин Насафий ҳамда бошқа атокли дунёвий ва диний алломалар шуури оламни ёритди.

Иккинчи Ренессансда — Улугбек, Ғиёсиддин Жамшид Қоши, Қозизода Румий, Али Қўшич, Лутғий, Жомий, Навоий, Бехзод, буюк мейморлар, бастакорлар, мусаввирлар, тарихчилар чиқиб, бугун ҳам дунёни дол қолдираётган асарлар яратдилар.

Ҳар икки Ренессанс даврида биз дунёнинг илгор, мутараққий халқлари қаторида эдик. Агар яна шундай даражага эришмоқчи бўлсак, Учинчи Ренессансни амалга оширмоғимиз зарур.

Учинчи Ренессанс миллий ғояга айланиши зарур

Миллий ғоя аслида муайян халқнинг олий истиқбол мақсадини бир неча сўзларда ёки иборда мутассам ифодаловчи тушунчалар ёки шиор, иборадир. У халқни ўша мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар этади. Халқ барча савй-ҳаракатларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятини унга мувофиқлаштиради. Зарур бўлса, иқтисодий, ижтимоий муносабатларини, мамлакатнинг ҳуқуқий, сиёсий, мафқуравий асосларини, таълим-тарбия тизимини чўқур ислоҳ қилади. Миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири, аввало, халқнинг жипслигини, бирлигини, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва муствақамлашдир. Ик-

кинчидан, миллатнинг олий мақсадини, ривожланиш марраларини, мўлжалларини умумий тарзда аниқлайди. Миллий ғоя турли ибораларда ифодаланиши мумкин. Лекин ифода шаклидан қатъи назар, халққа истиқболни, ижтимоий мўлжални кўрсатиши шарт.

Истиқлолга эришганимиздан кейин дастлабки йилларда “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” шиори олға сурилди. У амалда миллий ғоя вазифасини ўтади ва халқни бирлаштиришда, сафарбар этишда катта роль ўйнади. Мазкур жозибали шиорда урғу жамиятга эмас, давлатга берилган. Кейинчалик миллий ғоя шаклан тақомиллаштирилганда “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” ибораси олға сурилди. Унда урғу сиёсий ташкилотга (давлатга) эмас, балки ҳар киши учун, сиёсий, мафқуравий қараширдан қатъи назар, бирдек ҳеч қачон бефарқ бўлмайидган эркинликка ва фаровонликка қўйилди. Миллий ғоянинг бундай тушунавий ифодаси анча муқаммаллик касб этди.

Аммо унинг мазмунини, уни амалга ошириш вазифаларини очиб беришга етарлича масъулият билан ёндашилмади. Айнисқа, у ислохотларнинг йўналишлари, соҳалари, турли босқичлари, амалдаги ва эҳтимолдаги муаммолари билан боғланмади. Натижада у мафқуравий чақирқ, қуруқ шиор даражасида қолиб кетди. Аниқ муаммолар ва вазифалардан йироқлиги учун одамларга таъсири аста-секин сусая бошди.

Катта қизқишш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” бугун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизга реал таъсир кўраса-таътирми, деган саволга аниқ жавоб бериш анча мушкул. Миллий ғояни жоҳланштириш учун уни Учинчи Ренессанс ғояси билан бойитиш зарур. Фақат Учинчи Ренессансни амалга ошириб, деб озода ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаётни барпо эта оламиз. Ёки, яна қулайроғи, Учинчи Ренессансга эришишни миллий ғоянинг янги ифодаси, деб эълон қилиш мақсадга мувофиқ.

Миллий ғоя жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс ғояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлики кучи, умуман, мафқуравий салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларининг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланмади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради. Янги Ренессанс йўлида халқимиз турли майда, вақтинчалик масалаларга, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, айирмачилик, мафқуравий мутаассибликнинг ҳар хил кўрунишларига қалғимаслиғи керак. Тарих сабоқларини унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Учинчи Ренессанс ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. Зотан, халқ илгари оққан дарёси яна оқибини астойдил истайди.

Учинчи Ренессанс ғоясини ҳаётий ва таъсирчан миллий ғояга айлантиришни нимадан бошламоқ керак?

Ҳолва деган билан оғиз чўчамағиндек, Ренессанс деган билан у содир бўлиб қолмайди. Бунинг учун ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилиши, халқда руҳий кўтарилиш, қатъий иродали интилиш оқ бермоғи зарур.

Аввало, тушунча мазмунини аниқ очиб бериш, аҳолининг барча қатламлари, аввало, ёшлар онгига етказиш керак. Ўтмиш ренессанслари даврида аждодларимиз нималарга эришганини, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, бошқа халқлар, минтақалар ютуқлари билан таққослаб, жаҳоннинг етакчи маданиятларидан, илим-фан, санъати ва адабиётларидан бирини, илгор ижтимоий фикру қарашларини яратганини қисқа, лўнда, дабдабали жумларсиз ёритиш зарур.

Шунингдек, уларнинг инкироз сабаблари ҳолис таҳлил этилмоғи лозим. Буюк географик кашфиётлар туфайли Буюк Ипақ йўлининг тўхта қолгани объектив сабаблардан бўлиб бўлса-да, ички ва ташқи низолар, тахт талашлар, айирмачилик ва уч давлатга бўлиниб кетиш, инсон қомиллиғи фақат инсоннинг ички дунёсига қаратилиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига етарлича эътибор бермаслик каби субъектив омиллар инкирозни келтириб чиқарган асосий сабаблар эди. Тарихдан сабоқ олиш, тегишли ҳулоса чиқариш учун булар ёшлар, аҳоли онгига етказилиши керак. Биз кўпроқ аввалги ўйғониш давларимизнинг ютуқларини фахр билан эътироф этиб, негадир уларнинг инкирози сабаблари ҳақида гапиретишни уналчиқ ҳушламаларимиз.

Биринчи ва иккинчи ренессансларнинг тарихий шариоти ва даври талаблари, имкониятларини ҳаққоний баҳолаб, Янги Ренессанснинг тарихий шариотлари ва талаблари мутлақо ўзгача эканини асослаш, далиллаш мақсадга мувофиқ.

Учинчи Ренессанс тўртинчи санот инқилоби билан мувоиз, бир вақтда кечади. Шу сабабдан у, аввало, технологик инқилобни, юксак ривожланган рақамли смарт (ақли) иқтисодиётини тақозо қилади. Ўз навбатида, рақамли, смарт иқтисодиётга ўтиш учун ишлаб чиқаришни босқичма-босқич модернизация қилиш, автоматлаштириш, роботлаштириш талаб этилади. Мазкур жаҳон ўзбекистонда қандай моддийлар амалга оширилиши, унинг моддий-молиявий, инсоний, илмий ва илмий-технологик таъминоти бўйича истиқболли аниқ комплекс дастурлар янги Ренессанс ғояси билан мафқуравий жиҳатдан боғланиши шарт. Илмий, илмий-технологик таъминот тақозосидан келиб чиқиб, таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари узлуқсиз ислоҳ этиб борилиши керак.

Аввалги иккала Ренессанс мустақам маънавий-мафқуравий неғизда,

биринчи галда юксак ахлоқийлик, адолат, илмга ташналик ва бағрикенглик асосида юз берган. Ислоҳ ҳалоллик ва тўғрилиқни, инсоф ва адолатни, илм ва амалий фаоллиқни ҳамма нарсадан устун қўйган. “Илм излаб Чинга бўлса-да, бор”, “Сендан ҳаракат — мендан баракат”, “Бир соатлик адолат барча инсу жинсларнинг қирқ кунлик ибодатидан устун” ва қўллаб шу каби ҳадислар, нақллар аждодларимизнинг ижтимоий мўлжалига айланган эди.

“Байтул ҳикма”да 40 дан ортиқ таржомонлар қадимги юнон тилидан, 14 нафар таржомон санскрит тилидан, 4 нафар таржомон Хитой тилидан илмий, тиббий ва философия асарларни арабчага ўтирган. Бундан ташқари, лотин, сўрений, иброний тиллардан таржомонлар бўлган. Илмий ҳақиқат диний мансубликдан устун қўйилган. Бу асар маъжусийларники, буниси қоғирларники деб инкор қилинмаган. Аждодларимиз тил ўрганиб, илим ортидан дунёни кезган. Махдудлик қобилига ўрналиб қолмаган, турғунлик, маҳаллийчилик уларга ёт бўлган.

“Байтул ҳикма”, Хоразм Маъмун Академияси, умуман, ислом олами олимлари фаолияти ўша даврдаги халқроқ илмий интеграциянинг ёрқин намуна-сидир. Биринчи ва иккинчи ренессансларнинг маънавий асосларини ва сабабларини ҳамда кейинги инкирозини чўқур ўрганмасдан, биз Учинчи Ренессансни муваффақиятли амалга ошира оламимиз. Бугун ҳам бизга ғоявий ва илмий толерантлик (бағрикенглик), илмга, ҳақиқатга ташналик, миллий махдудлиқни, ғоявий мутаассибликни тамомила инкор этиш хос бўлмоғи лозим.

Юқоридагилардан аёнлашмоқдаки, Учинчи Ренессанс биздан халқроқ ҳам-жамиятга илим-фан, технологиялар, аҳборот, маданият ва иқтисодий соҳаларида янада чўқурроқ интеграция бўлишини талаб этади. Аммо ўзланимизни, таълимизни, миллий хусусиятларимизни, маънавиятимизни сақлаб қолишимиз шарт. Бу эса таълим-тарбия тизимига жиддий эътибор қаратишни билдиради.

Инсон — Янги Ренессанс ижодкоридир

Ҳар бир жамият ўзига зарур шахсин тарбиялайди. Унга ўз тараққиёти даражаси ва тенденцияларидан келиб чиқиб ахлоқий, эътиқодий, касбий-профессонал, ҳуқуқий ва бошқа қатор талаблар қўйди. Жамият тараққиётининг пировард мақсади ҳам инсон, унинг фаровон, эркин ва ҳавфсиз турмуш кечиришидир. Жамият талабига тўлиқ жавоб берадиган киши турли даврларда ҳар хил аталган. Юсуф Хос Ҳожиб уни “туғал эр”, Форобий “фозил киши”, тасаввуф намояндалари “қомил инсон” деб атаганлар. “Ҳар томонлама ривожланган шахс”, “уйғун ривожланган шахс” атамалари ҳам қўлланилган.

Муствақилликдан кейин биз шахсга нисбатан “қомил инсон”, ёш авлодга нисбатан “баркамол авлод” атамаларини қўлайи бошладик. Гап атамдада эмас. Қандай сифатни қўламағиллиқ, келажак инсонини тарбиялашда биз, аввало, жамият тараққиёти тенденцияларини ва айна пайтда миллий маънавиятимиз хусусиятларини ҳисобга олмо-

ғимиз лозим. Бинобарин, сунъий интеллект ва юксак технологияларга таянадиган “тўртинчи санот инқилоби” инсонга қўйдиган талабларини олдидан моделлаштиришимиз ва таълим-тарбия тизимини уларга мослаштиришиз керак.

Худди шундай миллий идентлигимизни сақлаб қолиш учун она тилимизни, тарихимизни, адабиётимиз ва санъатимизни етарлича ўргатишининг оптимал йўлларини топмоғимиз лозим. Урф-одатларимиз ҳам тақомиллаштирилиши ва замонавийлаштирилиши жуда зарур. Ижтимоий онгда, одамларнинг ҳатти-ҳаракатларида бурилиш юз бериши, янги идеаллар ва қадриятлар қарор топтомоғи даркор.

Учинчи Ренессанс ғоясини ўқитиш ва кенг жамоатчилик онгига етказишда ниятда эҳтиёткор бўлиш, меъёрдан ошириб юбормаслик талаб этилади. Мафқуравий ишларда совет давридан қолган бир иллат бор: ҳар қандай ғоя тарғиботини кампаниябозликка айлантирамиз.

Билганини ҳам, билмаганини ҳам эртаю кеч тинимсиз гапиртирамиз, одамларнинг меъдасига тегиб қолганини сезмаймиз. Ғоянинг мазмунини аста-секин жўнлаштирамиз, баъзи жиҳатларини эса бехиётх сохталаштириб қўямиз.

Диалектика қонунига биноан меъёр бузилса, ҳар қандай жараён ўзининг инкорига айланади. Оддий тилда бу “қош қўяман деб, қўз чиқарим” дейилади. 2000 йилда эълон қилинган миллий ғоя ана шундай муносабатга учиради. Шошиб уни таълимнинг барча бўғинларига жорий қилдик, лекин ғоянинг илмий тадқиқотида ва асосланишга деярли эътибор бермадик. Ислохотларнинг аниқ вазифалари ва соҳаларнинг хусусиятлари билан боғлаб, жонли мазмун бағишлаш ҳаёлимизга келмади. Натижада у мафқурабозлик домига тушиб қолди.

Учинчи Ренессанс ғоясининг оралиқ босқич вазифалари аниқланиши керак. Масалан, 2030 йилда, 2040 — 2050 йилларда биз аҳоли жон бошига таъминланган қанча ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарамиз, жаҳон рейтингига таъминланган қандай ўринларга қўтариламиз. Таълим, маданият, илим-фан соҳаларида қандай кўрсаткичларни, марраларни забт этамиз. Улар бўйича мўлжаллар белгиланиши лозим. Шунда мазкур ғоянинг сафарбарлик таъсири конкрет ва кучли бўлади. Аммо мўлжаллар ҳавоий бўлмаслиги, конкрет рақамлардан ташкил топмаслиғи керак. Янги АКТ, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, сунъий интеллект яратиш ва шу каби йўналишлардаги вазифалар ҳам эътибордан қатъи қолмаслиғи зарур.

Ҳар қандай буюк режалар, буюк ғоялар инсон эҳтиёжлари, турмуши яхшиланиши, эркинлиғи ортиси ва маънавий қамолоти билан бевосита боғлансагина, ҳаётийлик ва реаллик касб этади. Акс ҳолда у ҳавоий орзу ҳаваслигига қолиб кетади.

Президентимизнинг табрик нуқтида асосий йўналишлар ва вазифалар белгилаб берилди. Ёнди ҳаммамиз, бутун жамиятимиз, уларни амалга оширишга киришмоғимиз лозим.

Абдурахмон ЭРКАЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЎРМОНЗОРЛАР НАФАҚАТ ЮРТ КЎРКИ, БАЛКИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАМ ЎЗИГА ХОС ЎРИНГА ЭГА

Мутахассисларнинг фикрича, ўрмонлар экологик мувозанатни бир меъёردа сақлаб, атрофни тоза ҳаво билан узлуқсиз таъминлайди. Қўм барханлари қўчилишини, сув ҳамда шомол эрозиясининг олдини олиб, дарё ва бошқа сув ўзанилари қирғоқларини мустақамлаб туради. Иқтисодийнинг ресурс базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, экологияни яхшилашда ўрмон ҳўжалиғи жуда муҳим ўрин тутди.

Фикр

Шунинг учун ҳам охириги ўн йилда бу соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз ўрмон фонди ерлари 12 миллион гектарга етказилди.

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ўрмон ҳўжалигини ривожлантириш бўйича ислохотлар натижадорлиғи таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида бугуннинг долзарб вазифалари кўтарилди.

Бу борада айрим мутаассадилар фикрлари билан қизқидик.

Азиз АБДУҲАКИМОВ, Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси:

— Ўрмонлар нафақат яшил ҳудуд, балки иқтисодиёт тараққиётида, одамлар турмуш тарзида ҳам ўзига хос ўринга эга. Шу боис йиғилишда Ўртбошимиз томонидан нафақат ўрмон ҳўжаликларини кенгайтириш, балки ўрмончиликда туризмни ривожлантириш бўйича ҳам аниқ топшириқлар берилди. Хусусан, Бўстонлиқ тажрибасини бошқа ҳудудларга татбиқ этиш масаласи кўтарилди. Чунки ушбу туманда 56 та йўналиш ишлаб чиқилган. Бу, албатта, маҳаллий аҳоли учун ҳам даромад манбаи. Нега деганда, келган меҳмонлар, яъни сайёҳлар маҳаллий аҳолининг меҳмон уйларида қолади. Ёки маҳаллий аҳолидан ҳўнармандчилик маҳсулотлари сотиб олади.

Бўстонлиқ тумани ёки бошқа ҳудудларда меҳмонхоналар, йирик туристик мажмуалар ташкил этмоқчи бўлган инвесторларга мажбурият сифатида экология масалаларини ҳам қўямиз. Яъни улар томонидан сугориш технологиялари орқали боғ ва ўрмонлар ташкил қилади.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, ўша ҳудудларда дарахтлар ёки ўсимлик тўғрисида маълумот берувчи музейлар фаолиятини йўлга қўйишни ҳам ўз олдимизга вазифа қилиб олганмиз.

Қаҳрамон САРИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси:

— Йиғилишда ўрмон ҳўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, бир қатор топшириқлар берилди. Қорақалпоғистон Республикасида ўрмон ҳўжалиғи ерлари 6 миллион 600 минг гектардан ортиқ бўлиб, деярли ҳар бир туманда ўрмон ҳўжалиғи мавжуд.

Албатта, кейинги йилларда мамлакатимизда яшил бойликларни асраб-авайлаш, оқилона фойдаланиш ва янги ўрмонзорлар барпо этишнинг самарали тизими яратилиб, соҳага эътибор қўйилтирилди. Ҳар йили юзлаб гектар янги ўрмонзорлар барпо этилмоқда.

Хусусан, 2018 — 2020 йилларда Оролбўйи ҳудудида 1 миллион 160 минг гектар яшил ҳудудлар барпо қилинди. Бу ишларга 3 минг нафарга яқин ишчилар ва мингта янги техника-механизмлар жалб этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг ўрмончилик борасида имкониятлари кенг. Бу бўйича биз, Қорақалпоғистоннинг иқлими ҳамда табиатида мос дастурларни тайёрлашимиз.

Берилган топшириққа асосан, ўрмон ҳўжалиғи ерларидан самарали фойдаланиш эъвазига йил яқинида ҳамда 2021 йилда 3 мингта муқим иш ўрни яратилиши. Бу эса одамларнинг турмушига, меҳнат унумдорлиғи ошишига ва қайфияти юқори бўлишига ижобий таъсир қилувчи муқим омилдир.

Рустам ХОЛМАТОВ, Тошкент вилояти ҳокими:

— Мамлакатимизда атроф-муҳит барқарорлигини сақлаш, табиатнинг бебаҳо неъматларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, соф ҳавони етказиб бераётган яшил бойлигимизни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Видеоселектор йиғилишида Ўртбошимиз томонидан айнан ўрмонларнинг салоҳияти ва имкониятидан самарасиз фойдаланаётганимиз қаттиқ танқид қилиниб, олдимизга бир қатор вазифалар қўйилди. Тошкент вилоятида 6 та ўрмон ҳўжалиғи фаолият қўримоқда. Уларнинг балансида 500 минг гектардан қўпроқ ер фондарли мавжуд. Ушбу ерлардан самарали фойдаланаётганимиз ҳам ҳақиқат.

Ўрмонлар чорвачилик ва деҳқончилик равнақиға ҳам қўмақлашади. Хусусан, биргина чорвачилиқни ривожлантириш бўйича ўрмон ҳўжаликлариди 7 минг бошға яқин қорамоллар мавжуд бўлса, уни бир неча баробар қўйиштириш имконияти бор. Шу боис топшириқ бўлди: ўрмон ҳўжаликлариди чорвачилиқни ривожлантириш зарур. Қолаверса, асарларичилиқни кенгайтириш бўйича топшириқлар олдик. Бу қанби чора-тадбирлар катта иқтисодий самара беради ва ёнг асосийси, биз атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлсак, у бизни ўз неъматлари билан сийлайди.

«Халқ сўзи».

Халқаро армия ўйинлари: ШАРТЛАР, НАТИЖАЛАР ВА РЕКОРДЛАР

2020 йилнинг 23 августидан 5 сентябригача ўтказилган “АрМИ — 2020” халқаро армия ўйинларида 30 дан ортиқ давлатларнинг 160 дан зиёд жамоалари иштирок этди.

Анъанавий беллашув

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиғи Аҳборот ва оммавий коммуникациялар департаменти маълумотиға кўра, Мудофаа вазирлиғи харбий хизматчилари 16 йўналишда, яъни “Мерганлик марраси”, “Қуролсоз уста”, “Мусаффо осмон”, “Артиллерия олови устаси”, “Йўл патрули”, “Қўшин разведкаси аълочилари”, “Танк биатрони”, “Эльбурс ҳалқаси”, “Содиқ дўст”, “Хавфсиз маршрут”, “Дала ошхонаси”, “Харбий ралли”, “Харбий-тиббий эстафета”, “Мерганлар марраси”, “Отлиқ марафон”, “Автозирхли танктехника устаси” мусобақаларида фаол қатнашди.

Утган йили ҳамюртларимиз 32 мамлакат харбийлари ўртасида жами 14 йўналишда — 2 та биринчи, 4 та иккинчи, 5 та учинчи ўринни эгаллаб, умумжамоа ҳисобиди 5-ўринни ишғол қилган бўлса, жорий йилда 3-поғонаға кўтарилди.

Марказий харбий округнинг “Форш” тоғ полигонидида ўтган “Харбий-тиббий эстафета” мусобақаси қизгин баҳсларға, вақиларимиз учун унутилмас лаҳзаларға бой бўлди. Юртдошларимиз шартларни баҳариш жараёнидада ўтган йилги рекордларни бир неча бор янгиладилар. Хусусан, эрқақлар жамоаси 6 дақиқа 28,8 сония кўрсаткич билан рекорд вақтини 1 дақиқа 8 сонияға янгилади.

Шарқий харбий округ полигони илк бор меэбонилиқ қилган “Йўл патрули” мусобақасида ҳам юртдошларимизға тенг келадигани тоғилмади. Натижада жамоамиз Россия ва Беларусудан келган ҳамкасбларини ортда қолдириб, 1-ўринни эгаллади.

Халқаро армия ўйинларининг “Содиқ дўст” мусобақасида 2017 йилда 3-ўринни, 2018 йилда 4-ўринни 2019 йилда 2-ўринни қўлга киритган Ўзбекистон харбий кино-



логлари жорий йилда голиблиққа эришди. Энг муҳим мутахассисликлардан бири “Қўшин разведкаси аълочилари” мусобақаси Новосибирск шаҳри яқинидаги “Кольцово” полигонидида ўтказилди. Яқинда Россия вақиллари биринчи, Ўзбекистон харбий хизматчилари иккинчи, Беларусь жамоаси учинчи ўринни банд этди.

“Эльбурс ҳалқаси” халқаро мусобақасида иштирокчи давлатлар харбий хизматчилари бир неча шартларни ўта мураккаб тоғ шариотида ва кучли босим остида баҳардилар. Қабадрин-Болқордаги Эльбурс қўққисига уюштирилган марш харбий альпинистлари жиддий синовдан ўтказди. Вақилларимиз ушбу мусобақаларда 2017 ҳамда 2018 йиллари 4 ва 5-ўринларни эгаллаган эди. 2019 йилда иккинчи поғонани банд этган ҳамюртларимиз жорий йилда ҳам иккинчи бўлишди.

“Артиллерия олови устаси” беллашуви Россиянинг Саратов вилоятида кечди. Уч босқичдан иборат ушбу танловда вақилларимиз 2-ўринни қўлга киритди.

VI халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон харбий хизматчилари қайд этган натижалар:	
“Содиқ дўст” — 1-ўрин;	“Хавфсиз маршрут” — 2-ўрин;
“Йўл патрули” — 1-ўрин;	“Артиллерия олови устаси” — 2-ўрин;
“Харбий тиббий эстафета” — 1-ўрин;	“Қуролсоз уста” — 2-ўрин;
“Қўшин разведкаси аълочилари” — 2-ўрин;	“Мерганлар марраси” — 2-ўрин;
“Харбий ралли” — 2-ўрин;	“Дала ошхонаси” — 3-ўрин;
“Отлиқ марафон” — 2-ўрин;	“Хавфсиз муҳит” — 3-ўрин;
“Эльбурс ҳалқаси” — 2-ўрин;	“Автозирхли танктехника устаси” — 3-ўрин.

«Халқ сўзи».

СУД ФАОЛИЯТИ РАҚАМЛАШТИРИЛИБ, ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Колаверса, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қўрилмалар ва электрон ҳамкорлиқнинг бошқа шакллари орқали қатнашиш имкониятини кенгайтириш фуқароларнинг судда иштирок этишида бир қанча қулайлиқлар яратди. Эндилиқда фуқаро суд биносига келмасдан ўзига тегишли бўлган мобил қўрилма орқали ҳам суд мажлисида қатнашиши мумкин.

Бу хали ҳаммаси эмас. Келгус

ВАТАНИМИЗ ИСТИҚБОЛИ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН



Илмий хулосаларга кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборотнинг кўп қисмини болалик даврида ўзлаштиради экан. Шу вақт оралиғида у атроф-муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларни баҳолаш, ҳар қандай ҳажм ва мураккабликдан қатъи назар, маълумотларни хотирасида сақлаб қолиш ҳамда таҳлил қилиш, мухтасар айтганда, онг ва тафаккурининг ривожланишига эришиши мумкин. Бунинг учун эса болалар билан узлуксиз мулоқотда бўлиш, турли хил ақлий машқлар билан уларнинг идрокини чиниқтириш, интеллектуал баҳслар орқали IQ, яъни фикрлаш қобилияти коэффициентини ошириш зарур. Кун давомида меҳнат қилувчи ота-оналар учун эса бу ишларни бажариш бирмунча мушкуллик туғдиради. Шунинг учун улар мазкур масъулиятли вазифани боғчаларга ишониб топширади.

Молия муассасаларида

Шу сабабли мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўлини, дея эътироф этилади. Келажақ эгаларининг етуқ ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол англаган давлатимиз эса ушбу тармок ривожига кечиктириб бўлмас масала сифатида эътибор қаратмоқда. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, "таълим-тарбия беш-шиқан бошланади". Шу маънода, Президентимизнинг "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги тарихий қарори қабул қилинди ва соҳада буткул янги тизим яратилди.

Унинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари тармоғи кенгайтирилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Янги боғчалар қуриш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши эса ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда нодавлат боғчалар сонини кўпайтириш, тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини оширишга қаратилган.

Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган ишбилармонларнинг лойиҳаларини молиялаштириш билан бирга, "Туронбанк" АТБ давлат-хусусий шериклик тамойили асосида хусусий боғчалар тармоғини кенгайтириш юзасидан ҳам кенг қўламли ишларни олиб бор-



моқда. Аҳамиятлиси, бу ўзгаришлар энг олис ва чекка ҳудудларга-ча етиб борапти ҳамда одамларнинг бандлиги таъминланиб, ўғил-қизларнинг сифатли таълим-тарбия олишлари учун барча шароит яратилмоқда. Буни мамлакатимизнинг шимолий минтақаси ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ушбу ҳудудга амалга ошираётган ҳар бир ташрифи айни йўналишдаги янги ташаббусларнинг ижросини қўлқўйиш билан бирга, давлат-хусусий шериклик асосида замонавий, барча қўлайликка эга хусусий боғчалар сони ва қамровини оширишга қўмаклашяпти.

Узоқ вақт давомида қаровсиз жой сифатида фойдаланилмай ётган майдонни 2014 йилда ижарага олиб, ёш авлод тарбияси билан шуғулланишни мақсад қилган Светлана Сафарова бугун Нукус шаҳридаги энг нуфузли мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари ҳисобланади. "Kinderland", яъни "Болажонлар майдони" дея номланган ушбу боғчани барча

талабга жавоб берадиган шароитлар энг олис ва чекка ҳудудларга-ча етиб борапти ҳамда одамларнинг бандлиги таъминланиб, ўғил-қизларнинг сифатли таълим-тарбия олишлари учун барча шароит яратилмоқда. Буни мамлакатимизнинг шимолий минтақаси ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ушбу ҳудудга амалга ошираётган ҳар бир ташрифи айни йўналишдаги янги ташаббусларнинг ижросини қўлқўйиш билан бирга, давлат-хусусий шериклик асосида замонавий, барча қўлайликка эга хусусий боғчалар сони ва қамровини оширишга қўмаклашяпти.

Узоқ вақт давомида қаровсиз жой сифатида фойдаланилмай ётган майдонни 2014 йилда ижарага олиб, ёш авлод тарбияси билан шуғулланишни мақсад қилган Светлана Сафарова бугун Нукус шаҳридаги энг нуфузли мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари ҳисобланади. "Kinderland", яъни "Болажонлар майдони" дея номланган ушбу боғчани барча

этиш натижасида 20 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратдик. Келгусида ушбу йўналишдаги ишларимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Яъни банк билан ҳамкорликда муассасамиз қамровини кенгайтириб, 1 ва 2-синфларни тажриба тарикасида очдик. Унга бўлган қизиқиш ҳам ортиб борапти. Айни пайтда бу ерда 40 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Албатта, боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам бугун шахсан давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада катта ишлар бошланди. Мазкур боғча ҳам шу каби ташаббусларнинг бир қириниши сифатида эртанимиз эгаларига ўз эшикларини очган.

Статистик маълумотларга қараганда, биргина 2019 йилнинг ўзида мамлакатимизда 13 минг 500 мактабгача таълим муассасаси фаолият қўрсатган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 59,5 фоизга етказиш ва 85,2 фоиз 6 ёшли болаларни мажбурий 1 йиллик таълим билан қамраб олиш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, болаликда олинган таълим-тарбия келажақ учун пойдевор вазифасини ўтайди. У қанчалик мустаҳкам қўйилса, боланинг камолоти ҳам шунча ишончли бўлади. Келажақда оиласига, яқинларига, халқига муносиб гамўўрлик қила олади. Юрт равнақига ҳисса қўшади. Мактабгача таълим тизимига бўлган эътибор ҳам аслида Ватанимиз истиқбол учун қўйилаётган мустаҳкам заминдир.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

куйидаги ихтисосликлар бўйича 2020 йил учун таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

- 17.00.01 — **Театр санъати.**
17.00.03 — **Кино санъати. Телевидение.**
13.00.02 — **Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (санъатшунослик фанлари).**

Таянч докторантурага ўқишга талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлайётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратура дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар;
- илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига қиритилган маъруза тезислари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

Мустақил изланувчиликка талабгорлар куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан институтга мурожаат этиши керак:

- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда олинган унга тегишлатирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

Хужжатлар 2020 йилнинг 15 сентябридан 15 октябригача онлайн қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-«А» уй.
Мурожаат учун телефонлар: 71-230-28-03, 71-230-28-14.
E-mail: uzdsmi@madaniyat.uz Веб-саҳифа: www.dsmi.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

- Биотехнология кафедраси: профессор — 1, ассистент — 2.
- Биотехнология кафедраси: профессор — 1, ассистент — 3.
- Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси: катта ўқитувчи — 4.
- Корпоратив бошқарув кафедраси: катта ўқитувчи — 3.
- Умумий кимё кафедраси: доцент — 2.
- Саноат дизайни кафедраси: катта ўқитувчи — 3, ассистент — 1.

ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

- Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари кафедраси: доцент — 3, катта ўқитувчи — 1.
- Метрология, стандартлаштириш ва сертифицирлаштириш кафедраси: профессор — 2, доцент — 5, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 1.
- Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси: кафедра мудири, профессор — 2, доцент — 4, ассистент — 2.
- Рақамли электроника ва микроэлектроника кафедраси: профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 2.
- Электрон аппаратларни ишлаб чиқариш технологияси кафедраси: профессор — 1, доцент — 3, катта ўқитувчи — 3.
- Ахборот технологиялари кафедраси: доцент — 1, катта ўқитувчи — 3, ассистент — 1.
- Радиотехник қурилмалар ва тизимлар кафедраси: доцент — 1, катта ўқитувчи — 3, ассистент — 1.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

- Электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси: доцент — 1, ассистент — 1.
- Электр таъминоти кафедраси: профессор — 3, доцент — 1, катта ўқитувчи — 3.
- Гидравлика ва гидроэнергетика кафедраси: доцент — 1, ассистент — 1.
- Электр механикаси ва электр технологиялари кафедраси: профессор — 1, доцент — 2, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 2.
- Электр техникаси кафедраси: доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.

ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИКАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

- Иссиқлик энергетикаси ва атом электр станциялари кафедраси: профессор — 1, ассистент — 1.

- Термодинамика ва иссиқлик техникаси кафедраси: профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 1.
- Электр машиналари кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.

КОНЧИЛИК ИШИ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

- Кончилик иши кафедраси: профессор — 1, доцент — 1.
- Қўмир ва қатламли конлар геотехнологияси кафедраси: катта ўқитувчи — 2.
- Маркшейдерлик иши ва геодезия кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 3, ассистент — 1.
- Металлургия кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 1.
- Кончилик электромеханикаси кафедраси: доцент — 1, катта ўқитувчи — 2.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси: доцент — 4.

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

- Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
- Гидрогеология ва муҳандислик геологияси кафедраси: ассистент — 1.
- Геология, минералогия ва петрография кафедраси: профессор — 1, доцент — 3, катта ўқитувчи — 3.
- Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари кафедраси: доцент — 2.
- Нефть ва газ конлари геологияси: профессор — 1, катта ўқитувчи — 4.
- Нефть-газни қайта ишлаш технологияси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 5, катта ўқитувчи — 4.

МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

- Машинасозлик технологияси кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи — 1.
- Ер усти транспорт тизимлари кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, катта ўқитувчи — 2.
- Энергия машинасозлиги ва касб таълими кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
- Чизма геометрия ва компьютер графикаси: ассистент — 3.
- Олий математика: доцент — 2, ассистент — 2.

МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

- Материалшунослик кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 1.
- Металларга босим билан ишлов бериш: кафедра мудири, катта ўқитувчи — 1.
- Совитиш ва криоген техника кафедраси: катта ўқитувчи — 1.
- Назарий механика, машина ва механизмлар назарияси кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 1.
- Материаллар қаршилиги ва машина деталлари кафедраси: доцент — 1.
- Умумий физика кафедраси: профессор — 1, ассистент — 2.

ФАКУЛЬТЕТЛАРА УМУМТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ

- Ўзбекистон тарихи кафедраси: доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
- Педагогика ва психология кафедраси: катта ўқитувчи — 1.
- Жисмоний тарбия кафедраси: ассистент — 1.
- Чет тиллар кафедраси: катта ўқитувчи — 7, ўқитувчи — 3.
- Тиллар кафедраси (ўзбек ва рус): катта ўқитувчи — 2, ассистент — 2.
- Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси: доцент — 3, катта ўқитувчи — 1.
- Саноат иқтисодиёти кафедраси: профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 4.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мuddатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур университетда ишловчи шахслар ўтган мuddат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарсларини ўтказидади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, 416, 211-хоналар.
Телефонлар: 71-246-46-00, 71-246-81-42, 71-246-80-22.

4206/1

Ушбу жойда
СИЗНИНГ рекламнгиз
бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбўотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи»даги **Реклама**
бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғи Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоəsi қилинган нарҳа.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилин

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

Физика-техника институти жамоаси институт бош илмий ходими, физика-математика фанлари доктори

Абдурашул ҒУЛОМОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.50 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6